

Канада мусулмонлари Рамазонни оила даврасида ўтказадилар



11:09 / 07.04.2021 2133

Рамазоннинг бошланишини бутун дунё мусулмонлари қалбларида ўзгача бир шукуҳ билан кутмоқдалар. Уайт-Рокда (Британия Колумбияси, Канада) мусулмонлар ҳамжамияти аъзолари бу йил Рамазонни кичик миқёсда нишонлашга тайёргарлик кўришмоқда. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди.

«Ҳаммаси бутунлай ўзгарди. Илгари биз ҳар оқшом мажлислар ўтказардик. Энди буни бутунлай тўхтатишимиз керак», деди Уайт Рок мусулмонлар уюшмасининг собиқ президенти Асад Саид. Одатда, Рамазон ойининг ҳар жума кунлари уюшма катта ифторлик уюштирар эди, аммо мусулмонлар бу Рамазонда гуруҳларга тўплана олмаслиги сабабли, муборак ойнинг барча жиҳатлари, жумладан, таровеҳ намози ва ифторликлар ўз оилалари

даврасида ўтказилади.

«Биз ҳамма нарсани одатдагидек қиламиз. Лекин ўтган йилдан бери ижтимоий жиҳат бутунлай йўқ бўлиб кетди», - дея қўшимча қилди Саид. — Асосан, ҳамманинг кўнгли қолган. Бироқ ҳамма тушуниб турибди. Мен ҳеч кимни айбламайман. Бу шундай ҳолат ва биз қоидаларга риоя қилишимиз керак.

Хуршид Маъруф тайёрлади